



“1-avtobus saroyi” masъулияти
чекланган жамияти
иштирокчиларининг 2015 йил
30 октябрдаги умумий йиғилиши
қарори билан

«Тасдиқланган»



“1-avtobus saroyi” масъулияти чекланган жамияти

Устави

Мундарижа

1. Жамиятнинг иштирокчилари, юридик мақоми, фирма номи, жойлашган ери ва электрон почта манзили.....	3
2. Жамиятнинг фаолият соҳаси (асосий йўналишлари) ва мақсади.....	4
3. Жамиятнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....	5
4. Жамият иштирокчиларининг ҳуқуқлари.....	6
5. Жамият иштирокчиларининг мажбуриятлари.....	6
6. Жамиятнинг таъсис ҳужжатлари.....	6
7. Жамият устав фондининг (устав капиталининг) таркиби.....	7
8. Жамият устав фондининг (устав капиталининг) кўпайтирилиши.....	7
9. Жамият устав фондини (устав капиталини) камайтириш.....	7
10. Жамиятнинг мол-мулки ва маблағлари.....	8
11. Жамият мулкани ҳисобдан чиқариш, ижарага бериш ва тасарруф этиш тартиби.....	8
12. Жамият фойдасини тақсимлаш ва зарарларни қоплаш.....	9
13. Жамиятнинг захира фонди.....	9
14. Жамият бошқарув органлари, уларни шакллантириш тартиби ва ваколатлари.....	10
14.2. Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши.....	10
14.3. Жамият кузатув кенгаши.....	11
14.4. Ижро этувчи орган.....	13
15. Йирик битимлар.....	15
16. Ҳисоб ва ҳисобот.....	15
17. Жамиятнинг фаолияти устидан назорат қилиш.....	16
17.1. Жамият ички аудит хизмати.....	16
17.2. Жамиятнинг аудиторлик текшируви.....	16
18. Жамият ҳужжатларини сақлаш.....	16
19. Жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш.....	17
19.1. Жамиятни қайта ташкил этиш.....	17
19.2. Жамиятни тугатиш.....	17
20. Яқуний қоидалар.....	17

1. Жамиятнинг иштирокчилари, юридик мақоми, фирма номи, жойлашган ери ва электрон почта манзили.

1.1. Жамият иштирокчиси:

“Toshshaxartransxizmat” АК – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 2 декабрда 169-сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган, ИНН 302762364, ОКОНХ 51600, ОКПО 24196255, СОАТО 1726266, юридик манзили – Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уй.

1.2. Жамиятнинг фирма номи:

- давлат тилида тўлиқ фирма номи: “1-avtobus saroyi” mas’uliyati cheklangan jamiyat;

- кирил алифбосида тўлиқ фирма номи: “1-автобус саройи” масъулияти чекланган жамият;

- рус тилида тўлиқ фирма номи: общество с ограниченной ответственностью «1-автобус саройи»;

- давлат тилида қисқартирилган фирма номи: “1-avtobus saroyi” МСНЖ;

- кирил алифбосида қисқартирилган фирма номи: “1- автобус саройи” МЧЖ;

- рус тилида қисқартирилган фирма номи: ООО «1-автобус саройи».

1.3. “1-avtobus saroyi” mas’uliyati cheklangan jamiyat (матн давомида – жамият деб аталади), “Birinchí avtokorxonа” АЖ акциядорларининг 2015 йил 23 октябрда ўтказилган навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарорига ҳамда 2015 йилнинг 30 октябрда ўтказилган жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши қарорига асосан “Birinchí avtokorxonа” АЖни масъулияти чекланган жамиятига ўзгартириш йўли билан ташкил этилган.

Жамият “Birinchí avtokorxonа” АЖнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади.

1.4. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади.

1.5. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа юридик шахсларнинг муассиси бўлишга ёки уларнинг устав фондида (устав капиталда) бошқача тарзда иштирок этишга, ваколатхоналар ва филиаллар тузишга ҳақлидир.

1.6. Жамият номуайян муддатга тузилган.

1.7. Жамият ўзининг фирма номи ёзилган штампларига ва бланкаларига, ўз эмблемасига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларини, товарлар, ишлар ва хизматларни индивидуаллаштирувчи ўзга воситаларга эга бўлишга ҳақли.

1.8. Жамият ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинандиган алоҳида мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан ҳуқуқларни олиши, мажбуриятларга эга бўлиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

1.9. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига қарашли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

1.10. Жамият ўз иштирокчиларининг мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди.

1.11. Жамиятнинг банкротлиги иштирокчи сифатидаги шахснинг айби туфайли вужудга келган бўлса, жамиятнинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда бундай шахс зиммасига унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин.

1.12. Давлат ва унинг органлари жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек жамият ҳам давлат ва унинг органлари мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

1.13. Жамиятнинг жойлашган ери (почта манзили): 100146, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Уйсозлар кўчаси, 3 уй.

1.14. Жамиятнинг электрон почта манзили: lavtokorxona@mail.ru

2. Жамиятнинг фаолият соҳаси (асосий йўналишлари) ва мақсади.

2.1. Жамиятни ташкил этишдан мақсад жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятидан фойда олишдир.

2.2. Жамият фаолиятининг муддатлари чекланмаган.

2.3. Жамият фаолиятининг асосий предмети Тошкент шаҳар ва шаҳарлараро йўловчиларни ташиш, аҳолига барча турдаги транспорт хизматларинини кўрсатиш.

2.4. Жамият ўз мақсадларига эришиш учун фаолият ва хизмат кўрсатишнинг қуйидаги турларини амалга оширади:

- аҳоли, туристлар ва интуристлар ҳамда юк ташишга тегишли материалларни йўловчи ва юк ташиш хизматларини амалга ошириш;
- жисмоний ва юридик шахсларининг автотранспорт воситаларини таъмирлаш, монтаж, бутлаш ва техник хизматларини кўрсатиш;
- эҳтиёт қисмлар, жамланма жихозлар, ёкилги-мой ва бошқа молларни савдо-харид қилиш буйича фаолиятини амалга ошириш;
- асбоб-ускуна ва мулкларни лизинга бериш, бино, иншоот, хона, ускуна, жихозлар ва бошқа мулкларни ижара ёки фойдаланишга бериш буйича операцияларни амалга ошириш;
- маиший техникани ишлаб-чиқириш, урнатиш, созлаш, таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш буйича аҳоли ва юридик шахсларга сервис пулли хизматларини амалга ошириш;
- жамият ишчиларини таъминлаш ва ортиқчаларни сотиш учун ёрдамчи хужаликни юритиш.
- ҳалқ истеъмоли ва ишлаб-чиқариш техник мақсадларга мулжалланган молларни ишлаб чиқариш буйича уз ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва қўшма корхоналарни яратиш;
- ўз эҳтиёжлари, шунингдек мулкчиликнинг барча шаклидаги буюртмачиларнинг эҳтиёжлари учун ишлаб чиқариш ва яшаш объектларни қуриш;
- мол, хом-ашё, молия ва фонд бозорларида маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш ва утқизиш, шунингдек хом-ашё, материаллар, моллар, қўшма мулк, хизматлар, фондлар, қимматли қўшма нархлар конъюнктурасини урганиш;
- молия ёрдамини кўрсатиш, қарзлар, ссудаларни (шу жумладан бегараз тарздагилар) бериш, хайрия-эҳсон фаолияти билан шугулланиш, оталик ва ҳомийлик ёрдамини кўрсатиш;
- ташки-иктисодий фаолиятни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан урнатилган тартибда қўшма корхоналарни ташкил этиш;
- қонунчиликда белгиланган бошқа фаолият турларини ўрнатилган тартибда амалга ошириши мумкин.

- қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа ҳар қандай фаолият турлари билан шуғуланиш ҳуқуқига эгадир.
- Рўйхати қонунларда белгиланадиган айрим фаолият турлари ҳамда махсус рухсатнома (лицензия) талаб қилинадиган фаолият турлари билан жамият фақат лицензия асосида шуғулланиши мумкин.

3. Жамиятнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Ўз фаолиятини амалга оширишда жамият қуйидаги ҳуқуқларига эгадир:

- минтақалараро ҳамкорликни ва ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;
- МДҲ ва хорижий мамлакатларнинг корхоналари ва ташкилотлари билан ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш;
- ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматларни келишилган нархлар ва тарифлар ва прејскурантларга асосан сотиш;
- республика ва ундан ташқари ҳудудларда филиаллар, ваколатхоналар, кўшма корхоналар, ишлаб-чиқариш цехлари ва шахобчалари ҳамда бошқа янги корхоналарни тузиш, таъсис қилиш ва тугатиш;
- ўқув марказлари билан келишилган ҳолда, малакали мутахассисларни тайёрлаш ишларини ўтказиш;
- кўшма фаолият шартномасига асосланиб, жамият ва унинг филиалларининг фаолиятига чет эл инвестицияларини жалб этиш (шу ҳолда олинган фойданинг тақсимоти шартномада белгиланади);
- Ўзбекистон Республикаси ҳамда ундан ташқари ҳудудларда юридик ва жисмоний шахслар билан барча турдаги битимларни амалга ошириш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кўчар ва кўчмас мулкларни, мулкчилик ҳуқуқларини ва интеллектуал мулкни мулк қилиб сотиб олиш ва уларни ижарага бериш ва олиш;
- уюшма, иттифоқ, консорциум, акциядорлик жамиятлари ва бирлашмаларга аъзо бўлиш;
- белгиланган тартибда банкларда турли, шунингдек валюта ҳисоб рақамларини очиш, банк кредитлари ва ссудаларини олиш, амалдаги қонунчилик асосида ҳар қандай тўлов шаклларини бериш ва акцептлаш, айирбошлаш (валюта алмаштириш) тартибига асосан ваколатли банклар орқали ўз маблағларини айирбошлаш;
- ўзининг ишлаб-чиқариш ва хўжалик фаолиятини ҳамда ижтимоий ривожлантириш жамғармаларини мустақил режалаштириш;
- жамият Уставида белгиланган масалаларни бажариш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш-техник йўналишидаги маҳсулотлар, хом-ашё, материаллар, транспортни сотиб олиш;
- ким-ошди савдоларида, савдо ва мусобақаларда қатнашиш;
- ҳомийлик ва хайрия фаолиятини амалга ошириш;
- қонунчиликка мувофиқ, ўз ходимлари учун қўшимча иш таътиллари, қисқартирилган иш куни, иш тартиби ва бошқа ижтимоий имтиёزلарни ташкил этиш.

3.2. Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар ошкор этилиши мумкин эмас.

3.3. Жамиятнинг мансабдор шахслари ва хизматчилари жамиятнинг тижорат сирини ошкор қилганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

3.4. Жамиятнинг тижорат сир тоифасига киритилган ахборот билан жамиятда ишлаш тартиби ва у билан ишлаш тартибини бузганлик учун жавобгарлик жамиятнинг ижро этувчи органи томонидан белгиланади.

4. Жамият иштирокчиларининг ҳуқуқлари

4.1. Жамият иштирокчилари қуйидагиларга ҳақлидирлар:

- Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисидаги” Қонунида ва жамиятнинг Уставида белгиланган тартибда жамиятнинг ишларини бошқаришда иштирок этиш;
- қонун ҳужжатларида ва жамият Уставида белгиланган тартибда жамиятнинг фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳамда унинг бухгалтерия дафтарлари ва бошқа ҳужжатлари билан танишиш;
- фойдани тақсимлашда иштирок этиш;
- жамият тугатилган тақдирда, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинганидан кейин қолган мол-мулкнинг бир қисмини ёки унинг қийматини олиш.
- жамият иштирокчилари қонун ҳужжатларида ва жамиятнинг Уставида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

5. Жамият иштирокчиларининг мажбуриятлари

5.1. Жамият иштирокчилари:

- Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисидаги” Қонунида ва жамиятнинг Уставида назарда тутилган тартибда, миқдорда, усулларда ва муддатларда ҳисса қўшишлари;
- жамият фаолияти тўғрисидаги сир тутилган ахборотни ошкор қилмасликлари шарт.

Жамият иштирокчиларининг қонун ҳужжатларида ва жамиятнинг Уставида назарда тутилган бошқа мажбуриятлари ҳам бўлиши мумкин.

6. Жамиятнинг таъсис ҳужжатлари

6.1. Жамиятнинг Устави жамият таъсис ҳужжати деб ҳисобланади.

6.2. Жамият иштирокчиларининг сони икки ва ундан ортиқ кишига кўпайса, улар ўртасида таъсис шартномаси тузилади.

6.3. Жамият иштирокчисининг, аудиторнинг ёки исталган манфаатдор шахснинг талабига биноан жамият уларга жамиятнинг таъсис ҳужжатлари билан, шу жумладан унга киритилган ўзгартишлар билан танишиш имкониятини бериши шарт.

6.4. Жамият иштирокчисининг талабига биноан жамият унга жамиятнинг таъсис шартномаси ва устави нусхаларини бериши шарт.

6.5. Жамиятнинг таъсис ҳужжатларига ўзгартишлар жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши қарорига биноан киритилади.

6.6. Жамиятнинг таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартиришлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади.

7. Жамият устав фондининг (устав капиталининг) таркиби.

7.1. Жамиятнинг устав фонди 2 824 314 000 (икки миллиард саккиз юз йигирма тўрт миллион уч юз ўн тўрт минг) сўмни ташкил этади ва 100 фоиз “Тошшаҳартрансхизмат” АК улуши ҳисобланади.

7.2. Жамият устав фонди унинг ягона иштирокчиси “Тошшаҳартрансхизмат” АК томонидан ўрнатилган муддат ичида шакллантирилади, бироқ жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб бир йилдан ошмайдиган муддат мобайнида жамиятнинг устав фондига (устав капиталига) ўз ҳиссасини тўлиқ киритиши керак.

7.3. Жамиятнинг устав фонди пул, қимматли қоғозлар, ўзга ашёлар ёки мулкӣ ҳуқуқлар ёхуд пул баҳосига эга бўлган бошқа шахсга ўтказиладиган ўзга ҳуқуқлар билан шаклланади.

7.4. Жамият иштирокчиси томонидан жамиятнинг устав фондига ўз ҳиссаси тўлиқ тўланганидан сўнг, унга қимматли қоғоз ҳисобланмаган ва иштирокчининг ҳисса суммасини тасдиқловчи гувоҳнома берилади.

7.5. Жамият иштирокчиси Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган тартибда Устав фондининг суммасини ўзгартириш ҳуқуқига эга.

8. Жамият устав фондининг (устав капиталининг) кўпайтирилиши

8.1. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш фақат у тўлиқ тўланганидан кейингина йўл қўйилади.

8.2. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш жамиятнинг ягона иштирокчиси томонидан яқка тартибда қабул қилинади ва ёзма равишда расмийлаштирилади.

8.3. Жамият устав фондининг (устав капиталининг) кўпайтирилиши жамиятнинг мол-мулки ҳисобига ва (ёки) жамият иштирокчисининг қўшимча ҳиссалари ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

9. Жамият устав фондини (устав капиталини) камайтириш

9.1. Жамият ўз устав фондини (устав капиталини) камайтиришга ҳақлидир.

9.2. Жамият устав фондининг (устав капиталининг) миқдори Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонунида белгиланган устав фондининг (устав капиталининг) минимал миқдоридан кам бўлиб қолса, жамият ўзининг устав фондини (устав капиталини) камайтиришга ҳақли эмас.

9.3. Агар иккинчи ва ҳар бир кейинги молия йили тугаганидан кейин жамият соф активларининг қиймати унинг устав фондидан (устав капиталидан) кам бўлиб қолса, жамият ўзининг устав фондини (устав капиталини) ўзининг соф активлари қийматидан ошмайдиган миқдоргача камайтирилишини эълон қилиши ва бундай камайтиришни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиши шарт.

9.4. Жамият ўз устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кун ичида жамиятнинг устав фонди (устав капитални) камайтирилгани ва унинг янги миқдори ҳақида жамиятнинг ўзига маълум бўлган барча кредиторларини ёзма равишда хабардор қилиши, шунингдек қабул қилинган қарор тўғрисида оммавий ахборот воситаларида хабар эълон қилиши шарт.

10. Жамиятнинг мол-мулки ва маблағлари

10.1. Жамият мустақил равишда ўзига тегишли мол-мулкдан фойдаланади.

10.2. Жамиятнинг мол-мулки ва маблағлари иштирокчиларга уларнинг устав фондидаги улашларига мутаносиб равишда тегишли бўлади.

10.3. Жамиятнинг мол-мулки:

- иштирокчиларнинг улушларидан;
- жамият фаолияти натижасида олинган фойдадан;
- фуқароларнинг, шунингдек муассасалар, корхоналар ва жамоат
- ташкилотларининг ихтиёрий улушлари ва ажратмаларидан;
- Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан рухсат этилган ижара ва бошқа тўловлар ва бадаллардан;
- қайтариб олинмайдиган ёрдам ва хайрия бадалларидан;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалардан шакллантирилади.

11. Жамият мулкани ҳисобдан чиқариш, ижарага бериш ва тасарруф этиш тартиби.

11.1. Жамиятнинг асосий воситаларини ҳисобдан чиқариш тартиби:

11.1.1. Жамиятнинг асосий воситаларини ҳисобдан чиқариш Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва тегишли норматив ҳужжатлар ҳамда мазкур Устав асосида амалга оширилади.

Жамиятнинг асосий воситаларини ҳисобдан чиқаришда жамиятнинг ижро этувчи органи томонидан асосий воситаларини ҳисобдан чиқариш комиссиясини тасдиқлаш тўғрисидаги буйруғи чиқарилади. Жамиятнинг ижро этувчи органи раҳбари мавжуд бўлмаган ҳолда ушбу буйруқ жамиятнинг ижро этувчи органи раҳбари вазифасини бажарувчи шахс томонидан тасдиқланади.

Тасдиқланган комиссия жамиятнинг ҳисобдан чиқаришга мўлжалланган асосий воситаларини ўрганиб чиқади, тегишли акт тузади, тузилган актда комиссия томонидан тегишли хулоса ёзилади ва комиссиянинг баённомаси тузилади ҳамда жамиятнинг ижро этувчи органи раҳбарига кўриб чиқиш учун тақдим этади.

Жамиятнинг ижро этувчи органи раҳбари комиссия томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, тегишли хулоса ва таклифлар билан ўрнатилган тартибда жамият кузатув кенгашига кўриб чиқиш ва тегишли қарор қабул қилиш учун киритади.

Жамият кузатув кенгаши тегишли қарор қабул қилгандан сўнг Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва тегишли норматив ҳужжатлар асосида ўрнатилган тартибда жамиятнинг асосий воситалари ҳисобдан чиқарилади.

10.2. Жамият мулкани ижарага бериш Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва тегишли норматив ҳужжатлар ҳамда мазкур Устав асосида жамиятнинг ижро этувчи органи раҳбари томонидан ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

11.3. Жамиятнинг мулкани тасарруф этиш тартиби:

11.3.1. Жамиятнинг мулкани тасарруф этиш Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва тегишли норматив ҳужжатлар ҳамда мазкур Устав асосида амалга оширилади.

Жамиятнинг ижро этувчи органи рахбари тасарруф этилаётган мулкни ёки мулкларни рўйхатини тегишли хужжатлар билан бирга ва ўз ҳулосасини ҳамда таклифини ўрнатилган тартибда жамият кузатув кенгаши мажлисига кўриб чиқиш ва тегишли қарор қабул қилиш учун киритади.

Жамият кузатув кенгаши тегишли қарор қабул қилгандан сўнг Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва тегишли норматив хужжатлар асосида ўрнатилган тартибда жамиятнинг мулки тасарруф этилади.

Бунда, Ўзбекистон Республикаси “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонунининг 44-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

12. Жамият фойдасини тақсимлаш ва зарарларни қоплаш

12.1. Жамиятнинг ҳар йилги фойдаси солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар, жамиятнинг захира фондини шакллантириш ва тўлдириш ҳамда дивидендларни тўлаш учун ишлатилади.

12.2. Солиқ ва мажбурий тўловлар, захира фондига ажратмалар амалга оширилганидан сўнг қоладиган фойда иштирокчининг Устав фондидаги улушига мутаносиб равишда дивидендлар кўринишда берилиши мумкин.

Дивидендлар бериш жамиятнинг ягона иштирокчисининг якка тартибда қабул қилган қарорига мувофиқ амалга оширилади.

12.3. Жамият фаолиятидан пайдо бўлиши мумкин бўлган зарарлар Захира фондидан қопланади, у кейинчалик ўрнатилган миқдоргача қайта тикланиши керак.

12.4. Жамият қуйидаги ҳолларда ўз фойдасини тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас:

- жамиятнинг бутун Устав фонди тўлиқ тўлангунга қадар;
- мазкур Устав ва қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда жамият иштирокчиси улушининг (улуши бир қисмининг) ҳақиқий қиймати тўлангунга қадар;
- агар бундай қарорни қабул қилиш пайтида жамият қонунчиликка мувофиқ банкротлик белгиларига жавоб берса ёки агар мазкур белгилар жамиятда шундай қарор қабул қилиниши натижасида пайдо бўлса;
- агар шундай қарорни қабул қилиш пайтида жамият соф активларининг қиймати унинг устав фондидан ва захира фондидан кам бўлса ёки шундай қарор қабул қилиниши натижасида уларнинг миқдоридан камроқ бўлиб қолса;
- қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

12.5. Жамият фойдасини тақсимлаш ва зарарларни қоплаш ушбу Устав ва Ўзбекистон Республикаси “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуни ҳамда бошқа норматив хужжатлар асосида амалга оширилади.

13. Жамиятнинг захира фонди

13.1. Жамиятда соф фойда ҳисобидан захира фондини ташкил этилади.

13.2. Жамият устав капиталининг ўн беш фоизи миқдорида захира фонди ташкил этилади.

13.3. Жамиятнинг захира фонди мазкур Уставда белгиланган миқдорга

етгунига қадар соф фойдадан ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади. Ҳар йилги ажратмаларнинг миқдори мазкур уставда белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойданинг беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

13.4. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг захира фонди жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, жамият томонидан жамиятнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушни (улушнинг бир қисмини) олиш учун мўлжаллангандир.

13.5. Жамиятнинг захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

13.6. Агар захира фонди тўлиқ ёки қисман сарфланса, мажбурий ажратмалардан тикланади.

14. Жамият бошқарув органлари, уларни шакллантириш тартиби ва ваколатлари.

14.1. Жамиятнинг бошқарув органи қуйидагилар ҳисобланади:

- иштирокчиларининг умумий йиғилиши - бошқарувининг олий органи;
- кузатув кенгаши;
- ижро этувчи орган - Директор.

14.2. Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши.

14.2.1. Ўзбекистон Республикаси “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонунининг 37-моддасига асосан жамият устав фондидаги улушлар битта иштирокчига тегишли бўлганлиги сабабли жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши ваколатлари жумласига кирувчи масалалар юзасидан қарорлар жамиятнинг ягона иштирокчиси томонидан яқка тартибда қабул қилинади ва ёзма равишда расмийлаштирилади.

14.2.2. Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- жамият фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш, шунингдек тижорат ташкилотларининг бошқа бирлашмаларида иштирок этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштирок этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг Директорини тасдиқлаш ва уни ваколатини муддатидан илгари тугатиш;

- жамият устав фондининг (устав капиталининг) миқдорини ўзгартириш;

- таъсис ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш;

- жамиятнинг тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- жамият кузатув кенгашини сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- йиллик ҳисоботларни ва йиллик бухгалтерия балансларини тасдиқлаш;

- жамиятнинг соф фойдасини тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- жамият органларининг фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни тасдиқлаш (қабул қилиш);

- аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш, аудиторлик ташкилотлари ҳамда уларнинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини аниқлаш;

- бошқа юридик шахсларни, ваколатхоналар ва филиалларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- жамиятни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- тугатувчини тайинлаш ва тугатиш балансларини тасдиқлаш;

- ушбу Уставда назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг ваколатлари жумласига киритилган масалалар, ушбу Уставда назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, унинг томонидан жамиятнинг кузатув кенгаши ҳал этиши учун, шунингдек жамиятнинг ижро этувчи органи ҳал этиши учун топширилиши мумкин эмас.

14.2.3 Жамият иштирокчиларининг навбатдаги умумий йиғилиши ушбу Уставда белгиланган муддатларда, лекин йилига камида бир марта ўтказилади.

14.2.4. Иштирокчиларининг навбатдаги умумий йиғилиши жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва балансини кўриб чиқади ва тасдиқлайди, жамият фаолиятининг асосий йўналишларни белгилайди, жамият Директори ваколати муддатини узайтириш ёки тугатиш масаласини кўриб чиқади, фойдани тақсимлайди ва жамият иштирокчилар умумий йиғилиши ваколатларига кирувчи бошқа масалаларни муҳокама қилади ҳамда тегишли қарор қабул қилади.

14.2.5. Жамият иштирокчиларининг навбатдаги умумий йиғилиши жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан ўрнатилган тартибда чақирилади.

14.2.6. Жамият иштирокчиларининг навбатдаги умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин кечи билан олти ой ичида ўтказилиши керак.

14.2.7. Зарурият бўлганида иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишлари чақирилиши мумкин.

14.2.8. Жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши агар бундай умумий йиғилишни ўтказишни жамиятнинг ва унинг иштирокчиларининг манфаатлари тақозо этса, бошқа ҳолларда ҳам ўтказилади.

14.2.9. Жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши жамиятнинг ижро этувчи органи томонидан:

- жамият иштирокчисининг;

- жамият кузатув кенгашининг;

- жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) талабига биноан чақирилади.

14.2.10. Жамият иштирокчиларининг навбатдаги ва навбатдан ташқари умумий йиғилиши фаолияти билан боғлиқ бўлган масалалар Ўзбекистон Республикаси “Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонунига, ушбу Уставга ҳамда жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган “Иштирокчиларнинг умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

14.3. Жамият кузатув кенгаши.

14.3.1. Жамият кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши ваколатига

таъаллуқли масалалар бундан мустасно.

14.3.2. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари иштирокчиларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йиллик муддатга сайланадилар.

14.3.3. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони 5 (беш) кишидан иборат.

14.2.4. Жамият кузатув кенгаши мажлиси кворуми олтмиш фоиз бўлса, кузатув кенгаши мажлиси ваколатли ҳисобланади.

14.3.5 Жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, жамият кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси (тафтишчисининг) ҳамда ижро этувчи органнинг талабига кўра чақирилади, шунингдек ҳар чоракда камида бир марта ўтказилиши лозим. Заруриятга кўра жамият кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари ҳам ўтказилиши мумкин;

14.3.6. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисида ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Жамият кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

14.3.8. Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ва коллегиял ижро этувчи органининг аъзолари жамият кузатув кенгашининг аъзолари бўлиши мумкин эмас.

14.3.9. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- жамиятнинг ижро этувчи органи раҳбари (Директор) ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- жамият ижро этувчи органи раҳбарининг (Директор) ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлаш;

- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини тинглаш;

- жамият ижро этувчи органининг ҳисоботларини тинглаш;

- жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш, уни чақириш ва ўтказиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш;

- жамият мол-мулкни тасарруф этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш;

- жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш. Бунда жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жамият кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай тасдиқлаш лозим;

- жамият ижро этувчи органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

- Ўзбекистон Республикаси “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонунининг 44-моддасида назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш, уни чақириш ва ўтказиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонунда назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

14.3.10. Жамият кузатув кенгаши раиси:

- жамият кузатув кенгашининг раиси кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади;

- жамиятнинг кузатув кенгаши ўз раисини кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли;

- жамият кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади ҳамда иштирокчиларнинг умумий йиғилишида раислик қилади;

- жамият кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

14.3.11. Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг қарорига биноан жамият кузатув кенгашининг аъзоларига ҳақ тўланиши ва (ёки) уларнинг ўз мажбуриятларини бажаришлари билан боғлиқ харажатлари қопланиши мумкин. Ҳақлар ва товонларнинг миқдорлари жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг қарори билан белгиланади.

14.3.12. Жамият кузатув кенгашининг фаолияти билан боғлиқ бўлган масалалар Ўзбекистон Республикаси “Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонунига, ушбу Уставга ҳамда жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган “Жамият кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

14.4. Ижро этувчи орган

14.4.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш ваколати жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи - Директор томонидан амалга оширилади.

14.4.2. Жамият Директори жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши қарорига кўра бир йил муддатга сайланади ва лавозимдан озод этилади.

14.4.3. Жамият Директори ваколатлари, агар у жамият уставини кўпол тарзда бузса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли жамиятга зарар етказилган бўлса, жамият кузатув кенгаши қарори билан муддатидан илгари тугатилиши ҳам мумкин.

14.4.4. Жамият Директор ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлаш жамият кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

14.4.5. Жамият Директори билан тузиладиган шартнома жамият номидан жамият кузатув кенгаши раиси томонидан имзоланади.

14.4.6. Жамият Директори ваколатларига жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, иштирокчиларнинг умумий йиғилиши ваколатларига ёки жамият кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

14.4.7. Жамият Директори иштирокчиларнинг умумий йиғилиши ва жамият кузатув кенгашининг қарорларини бажарилишини ташкил этади.

14.4.8. Жамият Директори жамият иштирокчиларининг йил якуни бўйича ўтказиладиган умумий йиғилишида ва ҳар чорак якуни бўйича бизнес-режанинг муҳим параметр кўрсаткичларини бажарилиши юзасидан жамият кузатув кенгашига ҳисобот беради.

14.4.9. Жамият Директорининг ваколатларига қуйидагилар киради:

- жамият номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди ва битимлар тузади, шунингдек давлат муассасалари, барча мулк шаклларидаги корхона ва ташкилотларда унинг манфаатларини ҳимоя қилади;

- жамият номидан вакиллик қилиш ҳуқуқи учун ишончномалар беради;

- жамият ходимларининг штат жадвалини белгилайди, ходимларнинг штат рўйхатини тасдиқлайди;

- жамият ходимлари билан меҳнат шартномалари тузади ва уларни бекор қилади, ходимларга нисбатан рағбатлантириш чораларини ва интизомий жазоларни қўллайди;

- жамиятнинг таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлари, ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлайди;

- жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

- банкларда ҳисоб рақамлар, шу жумладан валюта ҳисоб рақамларини очади ва жамиятнинг банк ва бошқа молия ҳужжатларида биринчи имзо ваколатига эга бўлади;

- ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг пул маблағларини тасарруф этади;

- ўз ваколатига тегишли масалалар бўйича мустақил равишда қарорлар қабул қилади;

- жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлайди;

- Ўзбекистон Республикаси “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуни ва ушбу Устав билан жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши ва жамиятнинг кузатув кенгаши ваколатлари жумласига киритилмаган бошқа масалаларни ҳал қилиш ишларини амалга оширади.

14.4.7. Жамият Директори вазифаларига қуйидагилар киради:

- жамиятнинг таркибий бўлинмаларининг ўзаро самарали ҳаракатини таъминлайди;

- жамият кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган бизнес-режада кўрсатилган миқдорларда фойда олишни таъминлайди;

- жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқилишига раҳбарлик қилади;

- жамиятнинг фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилинишини таъминлайди;

- амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончлилигини, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботларни тегишли давлат органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек иштирокчиларга, кредиторларга ва бошқа юбориладиган жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлайди;

- жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни жамиятнинг кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ёки жамият аудитори талабига кўра тақдим этади;

- давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини тегишли давлат органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайди;

- хизмат ёки тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг жамият ходимлари томонидан сақланишини таъминлайди;

- жамиятни малакали кадрлар билан таъминлайди, жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чораларини кўради;

- жамият ходимларининг ижтимоий қафолатларига риоя қилинишини ва уларнинг меҳнати муҳофаза қилинишини таъминлайди;

- Қонун ҳужжатларига ва ушбу Уставга мувофиқ Директор ваколатига кирувчи бошқа масалаларни ҳал этади.

14.4.8. Жамият Директорининг фаолияти билан боғлиқ бўлган масалалар Ўзбекистон Республикаси “Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонунига, ушбу Уставга ҳамда жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган “Жамият Директори тўғрисида”ги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

15. Йирик битимлар.

15.1. Йирик битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинадиган кундан олдинги охириги ҳисобот даври учун бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари асосида аниқланган жамият мол-мулки қийматининг йигирма беш фоизидан ортиқ қийматга эга бўлган мол-мулкни жамиятнинг олиши, тасарруфидан чиқариши ёки жамият бевосита ёхуд билвосита мол-мулкни тасарруфидан чиқариши эҳтимоли билан боғлиқ бўлган битим ёки ўзаро боғлиқ бир неча битим йирик битим деб ҳисобланади.

15.2. Жамиятнинг одатдаги хўжалик фаолияти жараёнида тузиладиган битимлар йирик битимлар деб эътироф этилмайди.

15.3. Қиймати жамият мол-мулки қийматининг йигирма бешдан то эллик фоизигачасини ташкил этадиган мол-мулкни олиш, тасарруфдан чиқариш ёки жамият бевосита ёхуд билвосита тасарруфидан чиқариши эҳтимоли билан боғлиқ бўлган йирик битимларни тузиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш жамият кузатув кенгашининг қарори билан амалга оширилиши мумкин. Бунда кузатув кенгашининг айби билан йирик битим тузилиши натижасида етказилган зарар учун жамиятнинг кузатув кенгаши умумий йиғилиш олдида жавобгар бўлади.

15.4. Жамият томонидан йирик битимларни тузиш Ўзбекистон Республикаси “Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа норматив ҳужжатлар ҳамда ушбу Устав асосида амалга оширилади.

16. Ҳисоб ва ҳисобот.

16.1. Жамиятнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботи.

16.1.2. Жамият Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритади ва молиявий ҳисобот тақдим этади.

16.1.3. Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида жамият иштирокчиларига, кредиторларга тақдим этиладиган жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик жамият Директори зиммасига юклатилади.

16.1.4. Жамиятнинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва иштирокчиларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисоботдаги, бухгалтерия

балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг ишончлилиги мулкӣ манфаатлари жамият ёки унинг иштирокчиси билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

17. Жамиятнинг фаолияти устидан назорат қилиш

17.1. Жамият ички аудит хизмати

17.1.1. Жамиятнинг кузатув кенгаши ички аудит хизматини ташкил этади ва унинг ходимларини тайинлайди. Жамият ички аудит хизмати бир кишидан иборат.

17.1.2. Ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдордир.

17.1.3. Ички аудит хизмати жамиятнинг ижро этувчи органи, ваколатхоналари ва филиаллари томонидан қонун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда тўғри акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таъомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ва бу борада мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг ижро этувчи органи, ваколатхоналари ва филиаллари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

17.1.4. Ички аудит хизмати ҳар чорак якуни бўйича жамиятнинг кузатув кенгашига ўз фаолияти бўйича ҳисобот беради.

17.1.5. Ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Қонунига, Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга ва бошқа норматив ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

17.2. Жамиятнинг аудиторлик текшируви

17.2.1. Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг қарорига биноан Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аудиторлик ташкилоти жалб этилади.

17.2.2. Аудиторлик текширув молия ҳисоботлари тўғрилигини, бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибининг белгиланган талабларга мувофиқлигини текшириш ишларини амалга оширади.

18. Жамият ҳужжатларини сақлаш

18.1. Жамият қуйидаги ҳужжатларни Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва бошқа норматив ҳужжатларга мувофиқ белгиланган муддатларда сақлаши шарт:

- жамиятнинг таъсис ҳужжатлари, шунингдек жамиятнинг таъсис ҳужжатларига киритилган ҳамда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзгартишлар ва қўшимчалар;
- жамият муассислари йиғилишининг жамиятни ташкил этиш ва жамиятнинг устав фондига (устав капиталига) қўшиладиган пулсиз ҳиссаларнинг пул баҳосини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорни, шунингдек жамиятни ташкил этиш билан боғлиқ бошқа қарорларни ўз ичига олган баённомаси;
- жамият давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;
- жамиятнинг ўз балансида турган мол-мулкка бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари тўғрисидаги низомлар;

- жамият иштирокчилари умумий йиғилишларининг, жамият кузатув кенгаши, жамиятнинг коллегиял ижро этувчи органи ва жамиятнинг тафтиш комиссияси мажлисларининг баённомалари;
- жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ва аудиторлик ташкилотининг хулосалари;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар.

18.2. Жамият ўзининг Директори жойлашган ерда ёки жамият иштирокчиларига маълум бўлган ва улар учун қулай бўлган бошқа жойда сақлайди.

19. Жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш

19.1. Жамиятни қайта ташкил этиш.

19.1.1. Жамиятни қайта ташкил этиш қўшиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, қайта тузиш мумкин.

19.1.1. Жамиятни қайта ташкил этиш қўшиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, қайта тузиш Ўзбекистон Республикаси “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонунида ва бошқа норматив ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

19.2. Жамиятни тугатиш.

19.2.1. Жамият Ўзбекистон Республикаси “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуни ва жамият устави талаблари ҳисобга олинган ҳолда белгиланган тартибда ихтиёрий равишда тугатилиши мумкин.

19.2.2. Жамият қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра суднинг қарорига биноан ҳам тугатилиши мумкин.

19.2.3. Жамиятни тугатиш унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтмаган ҳолда фаолиятининг тугатилишига сабаб бўлади.

19.2.4. Жамият иштирокчисининг умумий йиғилиши жамиятни ихтиёрий равишда тугатиш ҳамда тугатувчини тайинлаш тўғрисидаги қарори жамият кузатув кенгашининг, Директорнинг ёки иштирокчисининг таклифига биноан қабул қилинади.

19.2.5. Ихтиёрий равишда тугатилаётган жамият иштирокчисининг умумий йиғилиши жамиятни тугатиш ва тугатувчини тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

19.2.6. Тугатувчи тайинланган пайтдан эътиборан жамият ишларини бошқариш бўйича барча ваколатлар тугатувчига ўтади. Тугатувчи тугатилаётган жамият номидан судда иштирок этади.

19.2.7. Жамиятни тугатиш Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва бошқа норматив ҳужжатлари билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

20. Яқуний қоидалар.

20.1. Мазкур Устав жамият Ўзбекистон Республикасининг Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.

20.2. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинмаган масалалар, Қонунда ва бошқа ҳоллар назарда тутилмаган бўлса, ушбу Уставга мувофиқ тартибга солинади.